



Бир куни турмуш ўртогим уйга шошиб кириб: «Телефонингни бер, кўшнига сотиб, бошка яхшисини олиб бераман!» деб колдилар. «Майли», дея у кишига оппок кўл телефонимни узатдим...

«Бу хам телефон жинниси экан», деб ўйлаяпсизми?! Рости, аввалига озгина бир нимасини йўкотган одамдек хис килдим ўзимни. Кейинчалик нима учун бундай холга тушганимни тушундим.

Тўгри, телефон оркали – шу кичиккина тўртбурчак ашё туфайли – хар ким ўзи излаган «дунё»га кириб боради... охир-окибат ундан чиколмай колади. Ўзим-чи, хўш, мен нима учун телефонсиз колиб кийналдим?!

Мен кимларгадир ўхшаб тинмай ижтимоий тармокма-тармок кезиб юрмайман, шукр. Шунчаки кийналишимга сабаб – кундалик зикрларимсиз колиб кетдим...

Хар куни бомдод ва шом махали, айникса, изланиб коламан, денг. Ок телефонимда эса бутун бошли дуолар китоби ва Куръони Карим бор эди. Уни очиб ўкишга асло кийналмасдим. Тайёр дастуримдан ажралиб колиб, калбим хувиллаб колди.

Тўғри, хали ҳам ундан яхшисига етолмадим... лекин тан олиш керакки, ижтимоий тармоқларсиз ҳам хаёт табиий гўзалрок экан, азизлар. Чиндан ҳам болаларингизга хакикий маънода қарайсиз, улар билан кизикасиз, хакикий Куръони Каримни очиб, оятларини излаб ўқийсиз, китобларни табиий холда мутолаа қиласиз. Хуллас, ҳаммаси ўз холича содир бўлади. Бир шиша банка ичидан чиққандай бўласиз гўё, десам, муболага бўлмайди.

Энди эса турмуш ўртоғимга ҳам ўз телефонини оддий қўл телефонига алмаштиришини тайинлаганим-тайинлаган. Сабаби хатто овқат махали ҳам шуни титқилаб ўтирадилар, биз эса у кишининг юзига қараб ўтирамыз: бир қулишларига, бир қовок уйишларига боқиб овқатланамиз. Охири: «Бизга вақт ажратмасангиз ҳам, овқатни қаерга еяётганингизни билинг, дадаси», деб юбораман. Бу гапимдан сўнг бир четга қўйилган телефонни болаларим талашиб кетишади. «Хой, энди сизлар бошладингизми?!» десам, «Ойи, «мушук»қа қараб қўяйлик, балки очкаб кетгандир, хожатга боргиси келаётгандир... Агар хозир қарамасак, дадам яна телефонларини олиб қўядилар», дейишади чугурлаб. Нима дейишни ҳам билмай қолсан одам.

Шу «собик» оқ телефонимда бир тармоқда ўқиган хикоям ҳеч эсимдан чиқмайди, уни айнан келтира олмайман, лекин айтиб бераман. Қулоқ солинг, балки сизга бу танишдир, ҳар холда яна бир бор эслатма бўлса, ибрат бўлса, ажаб эмас.

Қасалхонага нуроний бир онахон бетоб бўлиб ётқизилади. Унга бир ҳамшира ҳар қуни қарайди. Онахон неча кун даволаниб ётган бўлса, шунча кун қўни-қўшниси, узок-яқин қариндош-уруғлари, қуда-андаси, хуллас, қўпчилик қўргани келади. Меҳр-оқибат тобора йўқолиб бораётган бир замонда буни қузатган ҳамшира ниҳоятда ажабланади.

Эртага жавоб деган қуни у қатта ўғилдан нима учун қўпчилик онасини қўргани келганининг сабабини сўрайди. «Онам жуда яхши аёллар, ҳаммага меҳр-оқибат

кўрсатадилар, шунинг учун бўлса керак-да», дейди ўгил. Бу жавобдан коникмаган хамшира онахоннинг ўзидан бунинг боисини билгиси келади. Шунда онахон нима жавоб килган, биласизми?! Балки, унинг жавобини эшитиб, сиз ҳам мен каби хайратлар ва кўз ёшлар ичида коларсиз!?

«Болам, мен каерга, кимнинг уйига борсам, Куръони Каримни кўзларим билан кидираман. Унга кўзим тушган захоти дархол кўлимга олиб, ярим бет-бир бет ўкийман ва Китобни ёпиб, Роббимга шундай дуо киламан: «Аллохим, мен Сенинг Китобингни ташлаб кўймаганим каби Сен ҳам мени ташлаб кўймагин!»

Уни тинглаб турган хамширанинг ҳам кўзларидан тинмай ёш окарди. У онахонни шу тобда махкам багрига босгиси келди.

Ха, азизлар, ана Куръон Каримга бўлган эътиборнинг мукофоти! Кани эди, кўлимиз тинмай телефонга эмас, Куръони Каримга югурса... Канийди, телефондаги нарсаларни кулиб ё йиглаб ўкиганимиз каби Буюк Аллохнинг Каломини ҳам берилиб тиловат килсак...

«Хар нарсанинг ўз ўрни бор», дерсиз?! Хўп, шундай экан, биз мусулмонларнинг телефонга тикилганимиздек, Куръони Каримни ҳам ўкиб кўйганимиз кани?!

Мадомики, ким Куръонни ўкишни билса-ю, уни уч кундан ортик ташлаб кўйса, «гофиллардан» деб ёзиб кўйилишини биламизми? (Биламиз, чунки бу ҳақдаги маколаларни ана шу телефонларимиздан аллақачон ўкиганмиз.) Агар Куръонни ташлаб кўйсак, у киёмат куни оркамиздан келиб, жаханнамга итаришини-чи?!

Шундай экан, келинг, барчамиз Аллох таоло бизга дастур килиб юборган Китобини ўқийлик, магзини чакиб, унга амал килайлик. Зеро, ана шунда ижтимоий тармоқлардан топган роҳатдан устунрок роҳатни кўлга киритамиз...

Зухра ХАМДАМОВА,

журналист